Ҳамкорлик

## ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ АСБОБЛАРИ

**_Германиянинг «Карл Цейсс, Йена» фирмаси томонидан кейинги икки йил ичида республикамиздаги тиббиёт ва экология муассасалари учун микроскоп ва спектрометрлар, лазер маркази ва офтальмология ташхис анжомлари, фармакология лабораторияси мажмуалари келтирилди. Энг муҳими «Карл Цейсс, Йена» фирмаси «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси дастурини амалга оширишда фаол иштирок этиб, республикамизнинг турли вилоятларида она ва болага тиббий ёрдам кўрсатиш бир нечта кўчма амбулаторияларини ташкил этди._**

Шу ўринда «Карл Цейсс, Йена»нинг жаҳондаги энг нуфузли тиббиёт фирмалари қаторига киришини ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Чунончи ҳозирги кунда Германиядаги 23 та Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларидаги 62 корхонада 29 мингга яқин фирма ходимлари фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили унинг маҳсулот айланмаси 5 миллиард дойч маркани ташкил этган бўлса, шундан 272 миллиони илмий-тадқиқот учун сарфланди. Гиннес рекордлар китобига жумлаи жаҳондаги сезилмас нурланиш манбаларини аниқлаш мақсадида яратилган «Росат» энг йирик, аниқ рентген телескопи кирган бўлса, фирма тиббиёт анжомларидан фойдаланган ҳолда 17 Нобель мукофоти совриндорлари ўз кашфиётларини амалга оширишган.

Шуниси эътиборга моликки, шундай нуфузли фирманинг юқори сифатли анжомлари республикамиздаги қатор муассасалар, илмий-текшириш институтларига ўрнатилиб, муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Бу хайрия фаолияти билан бирга амалга оширилмоқда. Чунончи, яқинда якунланган «Соғлиқни сақлаш — 97» халқаро кўргазмаси пайтида шаҳар тери-таносил диспансерига фирма микроскоп совға қилди. Тошкентда геодезия анжомлари ва технологиялар бўйича минтақавий маслаҳат марказини очиш тўғрисида битим имзоланди. Яқин фурсатда ўз фаолиятини бошлайдиган ушбу марказда аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш билан бирга мутахассисларни қайта тайёрлаш юмушлари ҳам амалга ошириладi.

— Бизнинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликдаги фаолиятимиз доирасига тиббиёт, фан ва таълим, атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган лойиҳаларни тадбиқ этиш мақсадида лойиҳалаштириш, қуриш, молиявий таъминлаш ва мутахассисларни ўқитиш ишлари ҳам киради, — дейди фирманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси бошлиғи Лотар Умбланд, — Ўзбекистон билан кўп йиллардан бери мустаҳкам алоқалар ўрнатган бўлсак-да, бироқ республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги бизларнинг энг йирик шеригимиздир. Келгусида биз офтальмология анжомлари, генекология, нафас йўллари хасталиклари хоналари учун анжомлар,гематология, гистология, цитология лабораториялари учун замонавий микроскоплар етказиб бериш орқали Республика касалхона ва клиникаларини замон талаблари асосида янгилашга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Бундан ташқари «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси билан ҳамкорлик доирасида республика аҳолисини юқори сифатли, замонавий кўзойнаклар билан таъминлаш мақсадида Тошкентда қўшма корхона ташкил этаяпмиз. Махсус лойиҳа бўйича очилаётган кўзойнаклар дўконимизда эса «Цейсс» анжомларида диагностикадан ўтказган ҳолда барча мижозларимизга малакали хизмат кўрсатамиз.

Ҳа, яқинда фаолият бошлаган «Карл Цейсс, Йена» фирмасининг Тошкентдаги ваколатхонасининг ҳамкорликдаги режалари бисёр. Ўйлаймизки, улар ўзбекистонлик мижозларни мунтазам равишда сифатли ва замонавий тиббиёт анжомлари билан таъминлаб борадилар.

*Дилшод ИСМОИЛ.*

Таҳлил

## КОРХОНА НЕГА НОЧОР?

**_Ҳозир ниманинг бозори чаққон — бинокорлик материалларининг. Ҳамма жойда кенг кўламли қурилишлар олиб борилаётганлиги сабабли бинокорлик материалларига талаб катта. Ана шундай бир шароитда сантехника жиҳозлари ишлаб чиқарадиган «Полимерқурилиш материаллари ишлаб чиқариш» бирлашмасининг иқтисодий аҳволи ночор бўлиб қолди. Четдан келтириладиган хом ашё, бошқа бутловчи қисмлар қимматлашиб кетиши оқибатида корхона зарар кўра бошлади._**

Аслини олганда бирлашма банкротлик ҳолига тушиб қолган, касод бўлиш ёқасида турарди. Ана шундай ўта мураккаб шароитда Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан ташкил этилган корхоналарнинг банкротлик ва санация масалалари бўйича комиссияси бирлашма жонига оро кирди. Унинг хўжалик-молиявий аҳволи ҳар тарафлама чуқур ўрганиб чиқилгандан сўнг қарзлардан қутулиши учун қатъий муддат белгиланди.

Астойдил ҳаракат қилинса боши берк кўчадан ҳам чиқиб кетиш мумкин экан. Комиссия тавсияси билан бу бирлашма хўжалик фаолиятини тубдан яхшилаш мақсадида хорижий сармоядор топилди. Натижада 1996 йил 1 июнда «Полимерқурилишматериаллари» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Янтоқ-Брит» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонасига айлантирилди. Бунда хорижий сармоядор барча молиявий муаммоларни ҳал этибгина қолмасдан, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш юзасидан қатъий чора-тадбирлар ҳам кўрди.

— Тажрибамизда бундай ҳоллар тез-тез учраб туради, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмита ҳудудий бошқармасининг бошлиғи, банкротлик ва санация масалалари бўйича шаҳар комиссиясининг котиби Улуғбек Сайдиев. — Комиссиянинг икки йиллик иш фаолияти мобайнида унинг мажлисларига 380 та корхона раҳбарлари таклиф этилдилар. Ўтган йили 24 корхона зарар кўриб ишлаётганлар рўйхатига тушди. Уларнинг жами кўрган зарари 263 миллион сўмликни ташкил этди.

Корхоналар ҳар ойда шаҳар Истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармасига молиявий аҳволлари тўғрисида ёзма ҳисобот топширадилар. Бунда уларнинг иш фаолияти зарар келтираётган бўлса, бу ҳужжатлар банкротлик ва санация масалалари буйича шаҳар комиссиясига юборилади. Ушбу комиссия таркибида ҳокимликлар, статистика, банк муассасалари вакиллари билан бир қаторда хўжалик суди, солиқ хизмати раҳбарлари ҳам бор.

Комиссиянинг санация, яъни ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича ҳам деб номланиши бежиз эмас. Юқори малакали мутахассислар иқтисодий аҳволи ночор корхоналарга амалий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиладилар.

Бу юқори ташкилотлардан моддий ёрдам сўраш ёки банклар томонидан кредит ажратиш масаласини ҳал этиш тарзида бўлиши мумкин. Зарур бўлса зиён кўраётган корхоналарга ўзаро манфаатли, шу жумладан ишлаб чиқаришга хорижий сармояларни жалб этиш юзасидан шартномалар тузишда ёрдам кўрсатилиши мумкин. Шу билан бирга комиссия банкротлик ёқасига келиб қолган корхоналарга хом ашё, бутловчи қисмлар харид қилишда ёки уларнинг тайёр маҳсулотларини сотишда ҳам яқиндан кўмаклашади.

Бу ҳақда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти 1-ишлаб чиқариш комбинати директори А. Юсупов шундай ҳикоя қилади:

— 5-6 йил муқаддам комбинатимиз шиша банкалари учун металл ва полиэтилен қопқоқлар, шиша бутилкаларга қопқоқчалар ва тиқинлар тайёрлаш билан якка ўзи шуғулланар эди. Бозор муносабатлари шакллана бошланиши билан бизнинг ҳам якка ҳокимлигимиз тугаб, рақобатчиларимиз пайдо бўлди. Гап шундаки, биз ихтисослашган ишлаб чиқариш учун қимматбаҳо дастгоҳлар ҳам, катта ишлаб чиқариш майдонлари ҳам талаб қилинмайди. Қопқоқ ва тиқинларни тайёрлаш технологияси ҳам жуда жўн. Кўпгина ишбилармонлар буни тез орада тушуниб етиб, уларни ўзларида ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

Рақобат натижасида биз ўз харидорларимизни йўқота бошладик. Ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар кўрмай, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтира олмадик. Натижада комбинат давлатдан 11, 3 миллион сўм қарз бўлиб қолди.

Банкротлик ва санация масалалари бўйича шаҳар комиссияси ёрдами туфайлигина комбинатни қарзлар ботқоғидан суғуриб олишга муваффақ бўлинди. Хусусан, бизга «Совпластитал» қўшма корхонаси билан комбинат цехларида пластмасса буюмларини йиғиш юзасидан узоқ муддатли шартнома тузишга ёрдам берилди. Шу туфайли корхонамиз меҳнат жамоаси иш билан таъминланибгина қолмасдан, бюджет қарзимизнинг бир қисмини қоплаш имконияти туғилади. Шаҳар комиссиясининг бевосита кўмаги билан комбинатга 10 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратиш масаласи ижобий ҳал этилди.

Комиссия ночор аҳволга тушиб қолган барча корхоналарга ёрдам қўлини чўзади. Лекин бу мададдан фойдалана олмаётган нўноқ хўжалик раҳбарлари йўқ эмас. Ана шунда бозор иқтисодиётининг шафқатсиз, аммо адолатли қонунлари кучга киради. Қарзга ботган корхоналарнинг банкротлиги юзасидан хўжалик судлари иш очадилар.

Бундай қатъий чора баъзан муаммони зудлик билан ҳал қилиш имконини ҳам беряпти. Масалан «Дўст — Камалак» фирмасининг иши хўжалик суди томонидан кўриб чиқилгандан сўнг, қисқа муддат ичида у ўзининг банк олдидаги қарзини тўлаб қўйди.

«Ширин» хусусий фирмаси эса бюджетдан қарзини гаровга қўйган мулкини сотиб узди. «Мустақиллик» ва «Акмалхон» масъулияти чекланган жамиятлар ҳам давлат олдидаги қарзларни тўлаш учун мулкларини сотишга қўйдилар.

Комиссия фаолияти агар хўжалик раҳбарлари, мулк эгалари астойдил ҳаракат қилсалар, ишларини тез орада ўнглаб олишлари мумкинлигидан далолат бермоқда. Шу йил бошига келиб шаҳарда зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони 16 тага камайди. Бу комиссия фаолиятининг самарасидан яққол далолат бериб турибди. Ҳамма нарса ўз номи билан аталадиган бўлса, фақат юқоридан буйруқ кутиб ишлашга ўрганиб қолган айрим хўжаликлар раҳбарлари бозор иқтисодиётининг жиддий синовига бардош бермаяптилар. Шунинг учун банкротлик ва санация масалалари бўйича шаҳар комиссияси аъзоларининг фикрича, муттасил зарар кўриб ишлаётган корхоналарни ким ошди савдосига қўйиш пайти келди. Бу уларнинг давлат олдидаги қарзини қоплабгина қолмасдан, бюджетга қўшимча маблағ тушириш имконини ҳам берган бўларди. Айни пайтда уларни қайта ташкил этиш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш масаласи ҳам ҳал этиларди.

Бизда бозор муносабатлари шаклланаётган бўлсада, корхоналар ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди. Турли, баъзи ҳолларда объектив сабабларга кўра иқтисодий жиҳатдан ночор ҳолга тушиб қолган корхоналар учун санация махсус жамғармаси тузилди. Бу жамғарма давлат мулкини хусусийлаштириш, шунингдек бошқа манбалардан тушган маблағлар ҳисобига шакллантирилмоқда. Унинг маблағлари банкротлик ва санация масалалари бўйича комиссия қарорига кўра иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналарга ёрдам кўрсатиш учун ишлатилади.

*Зуҳра АҲМЕДОВА.*

Табиат

## ФАҚАТ ТИМСОҲЛАР ҲАҚИДА

Ҳиндистондаги Миллий музейда аёлларнинг қўл ва оёқларига тақиладиган, оғирлиги 7 килограммгача келадиган мис ҳалқалар бор. Уларнинг ҳаммаси бу мамлакат кўлларида яшайдиган йирик тароқли тимсоҳнинг ошқозонидан топилган. Ҳиндистоннинг Ориссi штатида ана шундай тимсоҳлар кўп бўлиб, уларнинг ўн йил ичида тўрт марта одамларга ҳужум қилгани қайд этилган.

* * *

Янги Гвинея қишлоқларидан бирида одамхўр тимсоҳ пайдо бўлганлиги ҳақида хабар тарқалгач, халқни бу ташвишдан қутқариш учун бир одам ишга киришади. Довюрак овчи ўзига шунчалик ишонадики, алдамчи хўрак сифатида ўз ўғлини қўяди. Сувга тушган бола кўп чўмила олмайди. Узоқ масофадан гўдакни кўриб қолган одамхўр тимсоҳ унга яқинлашиб кела бошлади. Лекин овчи ҳам нишонни тўғри олди. Йиртқич болага етолмай кучли зарбдан жон таслим қилди.

* * *

Тимсоҳлар ичида ўта хавфлиси кўзга кўринмасдан сузадиганларидир. Бу йиртқич тўсатдан олдингизда пайдо бўлиб қолди, хўш, бундай пайтда нима қилиш керак? Иккита биолог олим тунда қайиқда дарёда сузиб кетишаётганда тимсоҳ улардан бирининг қўлига оғиз солади. Бир неча дақиқадан сўнг тимсоҳ ўз ўлжасини тарк этиб, сувга шўнғиб кетади. Иккинчи олим воқеа моҳиятига бирданига тушуна олмади. Ҳодиса бундай бўлганди: ҳужум қилган тимсоҳ олимнинг бир қўлини тишлаган заҳотиёқ у иккинчи қўли билан тимсоҳнинг кўзига бармоғини тиққан. Маълум бўлишича, тимсоҳнинг кўзи унинг энг нозик аъзоси ҳисобланар экан.

* * *

Кунлардан бир куни ана шундай одамхўр тимсоҳлардан бири балиқчига яхшилик қилди. Шри-Ланка кўлларидан бирининг қирғоғида балиқ овлаб ўтирган киши негадир пастга қараб энгашди. Шу заҳоти дафъатан унинг тепасидан қоплон сакраб ўтди. Балиқчини мўлжаллаб сакраган йиртқич сувга тушди ва тимсоҳнинг ўлжаси бўлди. Маълум бўлишича, қандайдир ҳаракат билан балиқчини энгаштириб, уни хавфдан сақлаб қолган жонивор тимсоҳнинг ўзи экан.

* * *

Ҳиндистон қишлоқларининг бирида маҳаллий халқ билан тимсоҳлар орасида антиқа муносабатни кўриш мумкин. Бу ердаги қўриқхонада тимсоҳлар йирик сут эмизувчи ҳайвонларга ҳужум қилиб, улар билан олишаётган пайтда кўпинча одамлар келиб қолиб йиртқичнинг ўлжасини тортиб олишади. Шу тариқа бир йилда тимсоҳлардан 8 та кийик, 3 та ёввойи чўчқа тортиб олинган. Бундай омадсиз овдан сўнг тимсоҳлар ғазабланиб, энди одамлар ва уй ҳайвонларига ҳужум қила бошладилар.

* * *

Ўлдирилган битта тимсоҳ Судан халқи учун бутун бир дорихона ҳисобланади. Унинг қони илон чаққанда ва кўз оғриғига даво бўлса, суягидан ҳосил қилинган кул ҳар хил яраларни тузатади. Ёғи эса безгак касалига ҳамда тиш оғриғига шифо экан.

*Яҳё ДАВЛАТОВ,*
*биология фанлари доктори.*





*Сергели туманида аҳолига ҳар томонлама қулай бўлиши учун янги деҳқон бозорининг биринчи қисми ўтган йили фойдаланишга топширилган эди. Яқинда шу бозорнинг иккинчи қисми ҳам деҳқонлар ихтиёрига топширилди. Бозор ичида айрим хусусий фирмаларга қарашли бўлган дўконлар ҳам иш бошлади. Ана шундай дўконлардан бири «Жамол» фирмасига қарашли бўлиб, у «Мухтабар бону» деб номланди. Бу дўконда асосан халқ истеъмоли буюмлари ва хўжалик моллари сотилади.*

*СУРАТЛАРДА: «Мухтабар бону» дўконининг ташқи ва ички кўринишлари.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

Коммунал хизмат

## БАҲОРДА ҚИШ ҒАМИДА

**_Шаҳар хўжалигининг шундай юмушлари борки, у қишин-ёзин тугамайди, муттасил давом этаверади. Хусусан «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоасининг иши ана шундай хизмат тармоғи сирасига киради. Бирлашмада қиш мавсуми эндигина якунланганига қарамай, келгуси йил иситиш мавсумига тайёргарлик ишлари қизғин бошланиб кетди. Хўш, бу юмушлар нималардан иборат? Мухбиримизнинг ушбу саволига бирлашма бошлиғи ўринбосари Л. Жўраева қуйидагича жавоб берди._**

— «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳисобида 1418 километр узунликда иссиқлик тармоқлари, 50 миллиметрдан 1 метрли диаметргача бўлган 2836 километр иссиқлик қувурлари мавжуд. Ҳозирги кундаги вазифамиз 3 миллион метрга яқин бўлган бу қувурларнинг ҳар бир метрини келгуси қиш мавсумига намунали тайёрлашдан иборат. Ёғин-сочинли кунларда уларнинг бешикаст ишлаши учун эскиларини янгилаш, хизматга яроқли қувурларнинг «заиф» жойларини аниқлаш, хуллас қиш мавсумигача улардаги барча нуқсонларни йўқотишга эришмоғимиз лозим. Шу ниятда март ойидан бошлаб келгуси қиш тайёргарлигига ҳозирлик кўряпмиз.

Шу кунгача Юнусобод, Яккасарой, Сергели, Ҳамза, Собир Раҳимов, Акмал Икромов, Мирзо Улуғбек ва бошқа туманлардаги 670 километрдан иборат тармоқларда синов ўтказилди. Бунда асосан қувурларнинг энг юқори ҳароратга чидамлилиги синаб кўрилди. Уларнинг иссиқликдан кенгайишини қопловчи қурилмалари нуқсонсиз ишлаётганлиги, участкаларга иссиқликни тенг тарқатиб берувчи таянчларнинг ишлаши қай даражада эканлиги кўздан кечирилди.

Текширувда 130 та «заиф» жойлар аниқланди. Шулардан 25 таси катта диаметрдаги иссиқлик қувурларидир. Уларни йўқотиш албатта катта куч талаб қилади. Лекин бирлашмамиз жамоаси келгуси мавсумгача бу нуқсонларни бартараф этиш учун қўлидан келган барча имкониятларни ишга солади.

Апрель ойида барча иссиқлик тармоқлари узатувчи қувурларининг юқори босимлилиги синовдан ўтказилади. Бу вақтда қувурларнинг ёрилиши, даҳа ва кўчаларда сув пайдо бўлиши мумкин. Бирлашма аъзолари бундай кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ҳам белгилаб қўйишган. Лекин шундай бўлишига қарамай, биз ҳамшаҳарларимизга бир сўзни айтиб қўймоқчимиз: синов даврида улар бироз эътиборли бўлсалар янада яхши бўлади. Бордию улар биронта кўча-кўйда қувурлар ёрилиши ёки улардан сув сизиб туришини пайқаб қолсалар дарҳол бирлашма назоратчиларига ёки унинг туман бўлимларига хабар берсалар, бу нуқсоннинг олдини олишда бизга яқиндан ёрдам кўрсатган бўлар эдилар.

Бу борада «Қорасув», «Ғарбий», «Чилонзор», «Қўйлиқ», «Авиақурувчилар» иссиқлик манбаларида ўтказилган кўриклар муваффақиятли якунланди. Мирзо Улуғбек, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Ҳамза туманларидаги узатувчи қувурлар текширилганда уларда пайдо бўлган шикастланишларнинг катта миқдори кўрилган чора-тадбирлар жуда зарурлигидан гувоҳлик берди. Ой охиригача қолган иссиқлик манбаларида ҳам синов муддати тугалланади.

Бирлашма пайвандчилари, темирчи ва қурувчилари томонидан тайёрлов ишларининг катта кўлами бажарилмоқда. 150 километр масофадаги эскирган, яроқсиз ҳолга келган қувурларни алмаштириш ниятидамиз. 123 километрдан иборат иссиқлик тармоқларида жорий таъмирлаш ўтказилади. 2349 иссиқлик камераси, 7296 ёпқичлар, 1150 компенсаторлар таъмирланиши лозим. Бундан ташқари эскирган 841 ёпқич ва 34 компенсатор тўлиқ алмаштирилиши керак. Шунингдек, аҳоли томонидан иссиқлик тармоғи участкаларида ишдан чиқарилган, умумий узунлиги 4,95 километр ер устки иссиқлик тармоғи тикланишга муҳтож. Бугунги кунда ҳаммаси бўлиб 22 километргина эскирган қувурлар алмаштиришга эришилди.

Келгусида бажариладиган ишлар кўлами ҳам кенг. Уларнинг барчаси бирлашма жамоаси қатъи назоратида турибди. Марказий иссиқлик таъминоти таркибида рўй берган бирон бир носозлик охир-оқибат қиш мавсумида хонадонларни меъёрида иссиқлик билан таъминлашга тўсиқ бўлиши мумкин. Шундай экан, таъминотчилар ҳам зийрак бўлиши лозим. Хусусан, улар уй ичи иситиш системаларини мунтазам тозалаб туришлари, иссиқлик тугунлари, иситиш ва сув билан таъминлаш системаларини таъмирланган ҳолда сақлашлари, элеваторларда ҳисобли торайтирувчи қурилмалар ўрнатилган бўлишини таъминлашлари керак. Шунингдек, жўмракдан сув сизиш ҳолларини бартараф этиш, иситиш асбобларини таъмирлаш ҳам муҳим аҳамият касб этишини унутмасликлари лозим. Бирлашма хизматчилари ҳамшаҳарларимиздан ертўлаларнинг ҳолатини мунтазам текшириб туришларини илтимос қиладилар. Улар ўз хонадонларини бегона шахслардан қўриқлаш билан бирга, ёруғлик, иссиқлик, совуқ ва иссиқ сув ҳамда бошқа манбалар билан таъминловчи асосий муҳандислик қурилмалар жойлашган ертўлаларни ҳам мунтазам назорат қилиб туришни унутмаса айни муддао бўлади.

Шундай вақтда улар бирон бир носозлик сезсалар, дарҳол яқин атрофдаги назорат нуқталарига ёки «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасига хабар беришлари мумкин.

Албатта қарс икки қўлдан чиқади. Агар коммунал хизмат ходимлари билан аҳоли ҳамкор, ҳамфикр бўлса, келгуси қиш мавсуми ҳам албатта муваффақиятли ўтади.

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

Муносабат

## ҲАМЖИҲАТ БЎЛАЙЛИК

**_Уй-жой бошқармамизга қарашли Ибн Сино, Жарариқ, Белтепа мавзелари шаҳримизнинг энг ёш даҳаларидир. Бу ерларда бунёдкорлик ишлари ҳали ҳам давом этмоқда._**

Иш бор жойда камчиликлар ҳам бўлади, деганларидек бизда ҳам муаммолар етарли. Бу муаммоларнинг аксарияти аҳолининг ўзбилармончилигидан келиб чиқмоқда.

Ҳар бир мавзеда болалар майдончаларига мўлжалланган ерлар мавжуд. Аммо бу майдончалар қатор-қатор гаражлару ахлат, темир-терсаклар маконига айлантириб юборилган. Ноилож, кўпгина гаражларни олдириб, янги бунёдга келтирилган томорқадаги мевали дарахтларни қўпориб ташлашимизга тўғри келди.

Мавзеларимизнинг биридаги уйларда ёнғин содир бўлди. Ўт ўчирувчи машиналар ёрдам беришга улгуришди. Лекин ана шу уйга кириб борувчи йўллардаги тўсиқларни, томорқаларни янчиб ўтишга тўғри келди. Ёнғинга қарши махсус қудуқ устига қуриб қўйилган гаражни эса олиб ташлашга имкон бўлмади, эгаси йўл қўймади. Аҳоли «қўлбола» қурилишлару ортиқча томорқалари билан фақат ўзларига зиён қилишмоқда.

Ахлат қутилар масаласи ҳам кулгили, ҳам ачинарли, мавзеларга қўйиб чиқилган юзлаб ахлат қутилар номаълум кимсалар томонидан ўғирлаб кетилди. Натижада яна бошқасини келтиришимизга тўғри келди. Лекин, барибир аҳоли ахлатни шундоқ кўча юзларига тўкиб кетишаверади. Шунда ҳар бир қутига «ахлат учун» деган ёрлиқ ёпиштириш керак, деган фикрга келдим. Лекин бошқармамиздаги кираверишга осиб қўйилган ёзма кўрсатмаларни ўқишмайдику, ахлат қутидаги ёзувларни ўқишармиди? Буларни ёзишдан мақсадим одамларни айблаш эмас, балки мавзеларимизнинг чиройли ва озода бўлиши учун ҳаммамиз биргаликда курашмоғимиз зарурлигини таъкидлашдир.

Қурувчиларнинг бепарволиги билан ертўлаларда бўлаётган тошқинларни бартараф этишга, аҳолига турли сантехник, коммунал хизмат кўрсатишга имконимиз борича ҳаракат қиляпмиз. Бошқармамизга тегишли барча муаммоларни ҳал этяпмиз. Баъзи бир камчиликларни бартараф этиш учун бизга аҳолининг ёрдами зарур. Келинг, ҳамжиҳат бўлайлик, қуни-қўшничиликка путур етмасин. Ниятимиз бир бўлсин. Шунда мавзелар, шаҳримиз юзида зарра доғ қолмайди.

*Набийулло МАННОПОВ,*
*Шайхонтоҳур тумани 4-уй-жой бошқармаси бошлиғи.*

Луқма

## ЖАВОБСИЗ ҚОЛГАН САВОЛ

**_Трамвай «Чорсу» меҳмонхонасидан ўтиб, Ҳадра майдони бекатига келиб тўхтаганда дадасининг тиззасида шўхлик қилиб келаётган чамаси 4-5 ёшлардаги бола атрофга жавдираб деди:_**

**_Дадажон: анави дарахт, симёғочларга нега қоғоз, расмлар ёпиштириб ташланган?_**

**_Хаёл суриб бораётган дадаси эринибгина жавоб берди:_**

**_— Улар рекламалар._**

**_— Реклама?_**

**_— Ҳа, телевизорда кўрсатишади-ку, томошага келинглар деб, — тушунтиришга ҳаракат қилди ота._**

**_— Хунук экан, нега чиройли қилиб ёпиштиришмаган?_**

**_— ..._**

Боланинг саволи жавобсиз қолди. Эҳтимол ота фарзандининг эътирозига қўшилгани учун индамай қўяқолгандир. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда шаҳримиз кўчаларида пала — партиш ёпиштириб ташланаётган реклама, афиша, эълонлар кўриниши жуда хунук. Уларнинг айримлари устма-уст ёпиштириб ташланган. Аслида махсус реклама жойлари қаерларда бўлиши керак? Дуч келган, одамлар гавжум жойга ёпиштириб кетавериш керакми? Ахир бундай тартибсизлик шаҳримиз ҳуснидаги доғга айланди-ку. Амир Темур хиёбони, Мустақиллик майдони, Миллий боғ, Рассомлар кўргазмаси биноси атрофи ва бошқа айрим жойларда тартиб бор. Аммо «Туркистон» саройи яқинида бир эмас, иккита махсус реклама учун жой бўлатуриб, сиғмаганиданми, қолган афишалар бошқа тарафларга ҳам ёпиштириб ташланибди. Таклифимиз шуки, эндиликда реклама чиқаришлар кўпайиб бораётгани инобатга олиниб, махсус реклама жойлари кўпроқ ўрнатилса. Шундай жойлар иложи бўлса асосан бекатларда бўлгани маъқул.

*Маҳмуд АҲМЕДОВ.*

